

**ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАСЛИК ЁКИ УНИ ЯШИРИШ
ХАМДА ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК: ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ,
ФАРҚИ ВА ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ**

Реймбаев Абдулла Қурбанбаевич

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил
изланувчиси*

Қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятчиликни жиловлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳани такомиллаштиришга оид 80 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди. Ички ишлар идоралари тузилмаси тўлиқ янгиланди. Илгари барча ходимларнинг 60 фоизи шаҳар ва туман бошқармаларида, 40 фоизи жойларда фаолият юритган бўлса, бугунги кунда ходимларнинг 65 фоизи ахолига яқин ишлаш учун маҳаллаларга йўналтирилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёев «Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оиласалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши қурашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кече олмаяпмиз. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак» дея таъкидлаб ўтади³². Дарҳақиқат, жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган мазкур масалаларда, албатта жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш масалаларини ҳам таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг моҳиятини тўғри тушуниш, мазкур тушунчанинг мазмуни билан қамраб олинадиган харакатларнинг хусусиятини аниқ тасаввур қилиш жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун, бинобарин, қонунийликни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун улкан аҳамиятга эгадир. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг юридик табиатини аниқлашдаги қийинчиликлар шу

³² Мирзиёев Ш. Битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йиғилиши.

били белгиланади, айрим ҳолларда у жиноятга ёрдамчиликнинг тури сифатида амал қиласи, иштирокчиликни ҳосил қиласи, баъзи ҳолларда эса мустақил жиноят ҳисобланади.

Вазифаси доирасига кирмаса ҳам, ҳар бир фуқарога жиноятнинг олдини олиш бурчи юклатилган. Агар фуқаро ўзига нисбатан юклатилган ана шу бурчини бажармаса ва содир этилган қилмиш оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, фуқаро Жиноят кодекснинг 155¹ва 241-моддаларида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноятчани, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди.

Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳакида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди.

Жиноят ҳакида хабар бермаслик ёки уни яшириш учун жавобгарликни назарда тутувчи норманинг вазифаси эса, бир гурух бўлиб ва уюшган жиноятчиликка қарши қурашга, шу билан биргаликда айнан латент жиноятлар сонини камайтиришга кўмаклашишдан иборат. Масалан, О.И.Семикина жиноят ҳакида хабар бермаслик ёки уни яширишга жиноят ҳукуки тармоғининг мустақил комплекс институти сифатида, жиноятларни ҳамда уларни содир этган шахсларни яширганлик учун жиноий жавобгарликни мустаҳкамловчи юридик нормаларнинг муайян алоҳида гурухи сифатида, дастлабки тергов ва суриштирувни, прокуратура ва суд фаолиятини олиб боришга қарши ҳаракат қилиш шакли сифатида қарайди ва у ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга, айбор шахсларни фош қилиш ва латент жиноятларни аниқлашга кўмаклашиши лозим³³, деб ҳисоблайди.

Жиноятни унга дахлдор бўлган ҳолда яшириш эса, асосий жиноятни содир этиш учун бирон-бир шарт-шароит яратмайди, чунки у олдиндан ваъда қилинмаган бўлади ва жиноятни яширувчи содир этилган жиноят ҳакида билмайди ёки билган бўлса ҳам, жиноятни бажарувчи билан алоқага киришмаган бўлади ва жиноят содир этилганидан кейингина ўзини намоён этади. Масалан, М.Х.Хабибуллиннинг фикрича, олдиндан ваъда қилинмаган жиноятни яширишда яширувчининг ҳаракатлари асосий жиноятни содир этиш учун объектив шарт-шароитлар яратмайди, улар содир этилган жиноят билан бевосита сабабий боғланишга.

³³ Semykina O. I. The Principle of Humanism as a Means of Ensuring the Prohibition of Torture. Journal of Foreign Legislation and Comparative Law, 2021, vol. 17, no. 5, pp. 32—65. (In Russ.) DOI: 10.12737/jflcl.2021.053

эга бўлмайди, аниқ жиноий натижа юз беришининг зарурий омили ҳисобланмайди³⁴.

Яширувчиликнинг юридик табиати у содир этилган жиноят билан қай даражада боғлиқ эканлиги билан белгиланади. Шахс асосий жиноятни бажарувчига жиноятчини ёки жиноятнинг изларини яширишга олдиндан ёрдам беришни ваъда қилгани унда ўз жиноий ниятини амалга ошириш аҳдини мустаҳкамлайди ва жиноятни бажаришга рафбатлантирувчи мотивларни кучайтиради. Ўз ҳаракатлари билан мазкур шахс жиноятни содир этишга имконият яратади, яъни асосий жиноятни бажарувчининг ёрдамчисига айланади.

Жиноятни яширувчининг жиноят содир этилганидан кейин амалга оширилган ҳаракатлари эса, жиноятчи билан олдиндан субъектив алоқа бўлмаган тақдирда, бажарувчининг хоҳиш-иродасини белгиламайди, жиноят содир этилишини ҳам белгилаши мумкин эмас. Асосий жиноят тамом бўлганидан сўнг унинг яширилгани факти эмас, балки мазкур ҳаракатлар жиноятни яширувчи томонидан асосий жиноятни бажарувчига ваъда қилингани ёки қилинмаганини аниқлаш жиноятда иштирокчилик ва олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликни бир-биридан ажратиш учун асос ҳисобланади.

Жиноятларни квалификация қилиш, айниқса иштирокчиликда содир қилинган, аниқ ижтимоий хавфли қилмиш белгилари ва жиноят-хукукий норманинг белгилари ўртасидаги мослиқ (ўхшашлик)ни аниқлашдир³⁵. Жиноят-хукукий адабиётлардан мустаҳкам ўрин олган қоидага кўра, жиноятни квалификация қилиш содир этилган қилмишнинг белгилари билан жиноят-хукукий нормада назарда тутилган жиноят таркиби белгилари ўртасида мувофиқликни аниқлаш ва юридик жихатдан мустаҳкамлашдир³⁶.

Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишни квалификация қилиш масалалари доирасида мазкур жиноятни содир этишга суиқасд қилиш ва унда иштирокчилик тўғрисидаги масалаларга алохида эътибор қаратилиши зарур. Албатта, яширувчиликнинг баъзи бир турларини содир этишга суиқасд қилиш ёки тайёргарлик кўриш амалда мавжуд бўлиши мумкин, масалан: айбланувчи жиноятчини яширишга ҳаракат қилган,

³⁴ Хабибуллин М.Х. Ответственность за укрывательство преступлений и недоносительство по советскому уголовному праву. Изд. Казанского ун-та, 1984. С.27.

³⁵ Расулов А.А. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят конунининг аҳамияти. // Жиноят қонунчилигини тақомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 126.

³⁶ Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 1972. – С. 8.

лекин улгурмаган; жиноий қилмишнинг изларини яширишга тайёргарлик кўрган, лекин қўлга олинган ва ҳ.к³⁷.

Жиноят хуқуқининг умумий қоидалари нуқтаи назаридан жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яширишда дастлабки тарздаги жиноий фаолият мавжуд бўлиши мумкин³⁸. Қилмишни квалификация қилиш фақат қўшимча жиноят-хуқуқий аҳамиятга эга бўлган яширувчиликка тааллукли бўлган, деб фараз қиласиган бўлсак, шундай бир вазият юзага келадики, бунда жиноятга дахлдорлик учун асосий жиноятнинг бажарувчиси жавобгар бўлади. Бунда ҳолат фақат асосий жиноятнинг иштирокчиси ё бошқа шахсни олдиндан ваъда бермасдан яширишнинг ташкилотчиси, ё бунга далолатчи бўлган ҳолда юзага келиши мумкин.

Давомли жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яширишни яширувчи қилмишининг субъектив томонини ҳисобга олмасдан жиноятда иштирокчиликка киритиш тўғри эмас. Бошқа шахснинг бошланган жиноий фаолиятига қўшилган ва жиноий натижага эришиш (жиноятни содир этишни давом эттириш)га биргаликда қасд қилган ҳолда иш кўраётган яширувчи, ҳеч шубҳасиз, асосий жиноятнинг иштирокчиси, деб эътироф этилиши лозим. Жиноятчининг жиноий жавобгарлик ва жазодан бўйин товлаши учун шарт-шароитлар яратиш ёки буни енгиллаштириш мақсадини кўзлаган яширувчи, агар биргаликда иш кўриш белгиси мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси ЖК 241-моддаси бўйича ва агар унинг қилмишида қўшимча жиноят-хуқуқий белгилар мавжуд бўлса, жиноят қонунининг бошқа моддаси бўйича жавобгар бўлиши керак. Бу факт жиноят содир этаётган шахсни унда жиноятни давом эттириш учун охирги имконият мавжуд бўлмаган ҳолда яширишга тааллуклидир³⁹.

Давомли жиноятни яшириш, агар шахс жиноятчига тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятни яширишда кўмаклашаётган ва бунда яширилаётган (асосий) жиноятнинг давомли хусусиятини англаётган бўлса, жиноят қонунининг иштирокчилик тўғрисидаги қоидалари бўйича квалификация қилиниши лозим. Агар шахс давомли жиноятни содир этаётиб, яширувчининг хизматларидан фойдаланган, яширувчи эса, жиноятчига жиноий қилмишлардан бирини содир этишда кўмаклашаётганини англамаётган бўлса, бу ерда олдиндан ваъда қилинмаган яширувчилик мавжуд бўлади. Бундай яширувчи давом эттирилаётган жиноятнинг иштирокчиси бўлиши мумкин эмас, чунки

³⁷ Таганцев Н.С. Курс русского уголовного права. Кн. 3. – СПб., 1880. – С. 159.

³⁸ Хабибуллин М.Х. Ответственность за укрывательство преступлений и недонасительство по советскому уголовному праву. – Казань, 1984. – С. 52.

³⁹ Зарубин А.В. Уголовно-правовое регулирование прикосновенности к преступлению. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Красноярск, 2004. – С. 77–78.

мазкур вазиятда иштирокчиликнинг муқаррар белгиларидан бири – жиноят содир этишга биргаликда қасд қилиш йўқ. Жиноятни нотўғри квалификация қилиш сабабларидан бири жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишни ўхшаш жиноят таркибларидан фарқлаш билан боғлиқ тушунмовчиликлар ҳисобланади⁴⁰.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятни яширишдан субъект қасдининг йўналиши хусусиятига кўрагина эмас, балки унинг асосий жиноят белгиларидан хабардорлиги ҳажмига кўра ҳам фарқ қиласди. Конунга кўра, шахс умуман жиноятни яшириш учун эмас, балки оғир ёки ўта оғир жиноятни яширганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Жиноий йўл билан топилган мулкни оловчи ёки ўтказувчи шахс бундай маълумотларга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Қасдан амалга ошириладиган жиноий фаолиятнинг бошқа шаклларида субъектив томоннинг мазмуни асосан фақат ўз қилмишининг хусусиятини ва жиноий оқибат юз бериши мумкинлигини англаш билан чекланса, жиноятга дахлдорликда субъектив томон, кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, субъект бошқа шахслар томонидан содир этилган ёки содир этилаётган жиноятнинг хусусиятини англашини ҳам ўз ичига олади.

Жиноятни яширишда айбор содир этилган жиноятнинг хусусиятини анлаганлиги ҳар доим аниқланиши зарурлиги яна шу билан белгиланадики, мазкур қилмиш учун жиноий жавобгарлик ҳар қандай жиноят яширилганда эмас, балки фақат оғир ва ўта оғир жиноятлар яширилганда келиб чиқиши мумкин. Шахснинг содир этилган жиноят хусусиятидан хабардорлиги жиноятни яширишнинг зарурий субъектив белгиси бўлган ҳолда, ўз-ўзича кўрсатилган таркиби жиноятни яширишга қаратилган маҳсус мақсад мавжудлигини исботламасдан унга айб қўйиш учун асос бермайди. Шу туфайли ҳам бундай шахсларнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи бўйича, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш ҳамда жиноят ҳақида хабар бермаслик сифатида квалификация қилишни ўринли⁴¹, деб ҳисоблайди Г.И.Баймурzin. И.А.Бушуевнинг фикрича эса, шахс жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш ва айни вақтда жиноятни яширганлик учун қонунда жавобгарлик назарда тутилган жиноятнинг индивидуал хусусиятларини анлаган ҳолларда, у

⁴⁰ Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишга ўхшаш таркиблар қаторига жиноий йўл билан қўлга киритилгани аён бўлган мол-мulkни эгаллаш ёки ўтказиш, ғайриқонуний йўл билан қўлга киритилган пул маблаглари ёки бошқа мол-мulkни ошкорлаштириш, жиноят ҳақида била туриб ёлғон гувоҳлик бериш, гувоҳнинг кўрсатувлар беришдан бош тортиши ёки бўйин товлашини киритиш мумкин. Мазкур жиноят таркибларида яширувчилик факат жиноятни содир этиш усули сифатида намоён бўлади.

⁴¹ Баймурzin Г.И. Ответственность за прикосновенность к преступлению. – Алма-Ата, 1968. – С. 149.

жиноятлар мажмуи бўйича, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш ҳамда жиноятни яшириш учун жавобгарликка тортилиши керак⁴².

Олдиндан ваъда қилинган жиноятчини ёки жиноятнинг изларини яшириш бажарувчининг хоҳиш-иродасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Жиноятни яширишга ваъда берган шахс у ўз ваъдасини кейинчалик бажаргани ёки бажармаганидан қатъи назар ёрдамчига айланади, чунки у ваъда берганининг ўзи билан жиноятни бажарганидан далолат беради ва шу туфайли ҳам юз берган жиноий натижа учун бажарувчи билан бир қаторда жавобгар бўлади. Бинобарин, бу ерда биз сўзнинг ўз маъносидаги яширувчиликка эмас, балки иштирокчиликнинг интеллектуал ёрдамчилик кўринишидаги тур хилига дуч келамиз.

Жиноят қонунига мувофиқ жазога лойик бўлган фаолиятнинг мустақил шакли сифатидаги яширувчилик тўғрисида фақат шахс содир этилишида ўзи бирон-бир тарзда иштирок этмаган жиноятни яширган ҳолда сўз юритилиши мумкин. Ваҳоланки, олдиндан ваъда қилинган яширувчиликда шахс ўзи бажарувчи билан бирга амалга оширган фаолиятнинг маҳсули ҳисобланган жиноятни яширади. Шу туфайли ҳам бу ерда жиноятни яширишнинг тур хили эмас, балки бажарувчига қилмиш учун жавобгарликдан бўйин товлашга ёрдам беришни ваъда қилиш орқали унинг хоҳиш-иродасига интеллектуал таъсир кўрсатишда ифодаланувчи ёрдамчилик фаолияти мавжуд бўлади. Юқорида баён этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўз мазмунига кўра ҳозирда биз ишлатаётган олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликнинг конструкцияси билан тенг маъноли бўлган яширувчилик ягона жиноят-хукуқий тушунчасини эътироф этиш тўғри ва ўринли бўлур эди. Олдиндан ваъда қилинган яширувчиликка келсак, уни жиноятчини ёки жиноятнинг изларини яширишни ваъда қилиш тарзидаги интеллектуал ёрдамчилик деб номлаш тўғрирок бўлади, чунки яширувчилик фактининг ўзи айни ҳолда жиноят қонунига мувофиқ жазога лойик бўлган қилмишнинг белгиларига эга эмас.

Мустақил жиноят таркиби сифатидаги олдиндан ваъда қилинмаган яширувчилик хақида гап фақат жиноятчи, жиноятни содир этиш қуроллари ва воситалари, жиноят излари ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган ашёлар яширилганда, бу жиноятни содир этишда мазкур шахс иштирок этмаган ҳолда бориши мумкин. Ваҳоланки, олдиндан ваъда қилган яширувчиликда шахс ўзининг бажарувчи билан биргаликдаги фаолияти натижаси ҳисобланадиган жиноятни яширади.

⁴² Бушуев И.А. Ответственность за укрывательство преступлений и недонесительство. – М., 1965. – С. 83.; Гришанин П. Ответственность за укрывательство преступлений и недонесение о них // Советская юстиция. №15. 1975. – С. 23.

Мазкур масалада, албатта чет эл тажрибасини таҳлил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Жиноятларни тез ва тўла очиш, айборларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришнинг кафолати ҳисобланади. Бошқа жиҳатдан эса, айборларни фош этишда уларнинг манфаатларига путур етказмаслик ва хукуқларини хавф остида қолдирмаслик, асосиз равишда жавобгарликка тортилишларига йўл қўймаслик далилларни сохталаштиришни олдини олиш, жиноятни исбот қилиш фаолиятни амалга оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Бундай шартларга эришиш учун кўп омиллар қаторида жиноят ишини юритиш доирасини тўғри белгилаб олиш, далилларни қалбакилаштиришни олдини олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади⁴³.

Шулардан келиб чиқиб, айрим хорижий мамлакатларда далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жинояти учун жиноий жавобгарлик масалаларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, масалан Франция ЖҚда яширувчилик олдиндан ваъда қилинмаган ва олдиндан ваъда қилинганга ажратилмайди. Бундан ташқари, жазо тайинлаш пайтида асосий жиноий қилмишнинг тури ва микдори ҳам инобатга олинади. Масалан, содир этилиши натижасида яширилаётган мол-мулк қўлга киритилган жиноий қилмиш учун 321-1 ёки 321-2-моддада назарда тутилган турма қамоги муддатидан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланиши лозим бўлса, яширувчи ўзига маълум бўлган тегишли жиноий қилмишга мос равишдаги жазоларга тортилиши керак (321-4-модда).

ГФР ЖҚ1 21-бўлими “Жиноятчани яшириш ва мол-мулкни яшириш” деб аталади. Унда бошқа жиноятлар билан боғлиқ бўлган бир қанча тақиқлар белгиланган бўлиб, улар шу жумладан проф. Т.Арцт томонидан “қўш деликтлар” деб аталади. Булар: жиноятчига у жиноят натижасида қўлга киритган мол-мулкни сақлаб қолишни таъминлаш мақсадида содир этилган қилмишни тақиқловчи “яширувчилик” деб номланган 257-§; жиноятчи жазога тортилишига монелик қилиш мақсадида содир этиладиган қилмишни тақиқловчи “жазога монелик қилиш” деб номланган 258-§; “мансабдор шахснинг жазолашга монелик қилиши” деб номланган 258а-§ - бу ерда алоҳида белги: процессуал босқичларда иштирок этувчи ёки санкцияларни ижро этувчи мансабдор шахслар; ўғирланган нарсаларни сотиб олишни ва ўғирланган молмулк билан муомалада бўлишга

⁴³ Шамсиддинов К.З. Айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигига далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарлик // EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES. Volume 3 Issue 3, March 2023 ISSN 2181-2853. – Р. 186-191.

жиноятчига ёрдам кўрсатишни тақиқловчи “Молмулкни яшириш” деб номланган 259-§; ўғирланган мол·мулкни яширишнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган турлари – 260 ва 260а-§; “Жиноий йўл билан топилган пулларни ошкорлаштириш” деб номланган 261-§2⁴⁴.

Шундай килиб, жиноий йўл билан қўлга киритилган ашёларни яшириш шаклидаги олдиндан ваъда қилинмаган яширувчилик, иштироқчиликда жиноят содир этиш, шунингдек жиноий йўл билан қўлга киритилгани аён бўлган мол·мулкни эгаллаш ёки ўтказиш ўртасидаги фарқлар субъектив белгиларга кўра ҳам намоён бўлади. Жиноятни яширишнинг турини ҳаддан ташқари кенгайтириш айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда қийинчиликлар туғдиради. Бундан ташқари, жиноий йўл билан қўлга киритилгани аён бўлган мол·мулкни эгаллаш ёки ўтказиш ва жиноий йўл билан қўлга киритилган пул маблағлари ва мол·мулкни ошкоралаштириш (легаллаштириш) мустақил жиноят таркиблари ҳисобланади.

⁴⁴ Шамсиддинов К.З. Айrim хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарлик // EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES. Volume 3 Issue 3, March 2023 ISSN 2181-2853. – P. 186-191.